раўажландырыў, көркемлик билимлендириў системасын ҳәм илимин жетилистириў мәселелери, және де ҳәзирги замандағы жеке адамның раўажланыўының социомәдений шараятларын сезиниў бүгинги күнниң оғада әҳмийетли мәселелери болып қалмақта [2:98-99].

Көркемлик билимлендириў системасында ислейтуғын ҳәр бир адам, бизлердиң, тек ғана дүньяның илимий картинасын пүткиллей өзгертип қалмастан, ал муғаллим ҳәм оқыўшы, оқытыўшы ҳәм талаба арасындағы әдеттеги, үйреншикли қатнасларды да өзгерткен, постмодерн дәўиринде жасап атырғанлығымызды түсинеди. Ҳәзирги заман мағлыўматлар майданы, мәдений кеңислик ҳақыйқатында да шексиз: Интернет тармағы, китапханалар, аралықтан оқытыў мүмкиншиликлери бар ҳәм булар жеке адамның өсип раўажланыўына ҳәм оның ақыл-ойын раўажландырыў орталығына қосылыўына үлкен мүмкиншиликлер жаратады ҳәм алдымызға әмелий мақсетти-билимлендириўди мағлыўматлы цивилизацияға ылайықлы дәрежеде гуманизациялаўдықойыўға мүмкиншилик береди. Көркемлик билимлендириўди ақылға сәйкеслендириў жеке адамның жәмийетте өз орнын табыўы ушын зәрүр, ҳәм бул билимлендириўдиң ҳәзирги заман философиясы контекстинде гуманистлик идея сыпатында көринеди. Бизиң пикиримизше, бундай позиция көркемлик билимлендириўге болған философиялық көзқарасқа гуманистлик сыпат береди. Ҳәм, бул жерде оқыў процессин тийисли түрде қайта шөлкемлестириў, оқыў планларын, бағдарламаларын қайта ислеп шығыў, жаңа дидактикалық қатнасларды ислеп шығыў керек болады.

Әдебиятлар

1. Уразимова Т.В. Сүўретлеў өнери сабағының қурылысының айрықшалығы. Т.В.Уразимова // «Илим ҳәм жәмийет». Әжинияз атындағы НМПИ илимий-методикалық журналы – Нөкис: 2014, № 4, 90-92-б.

2. Уразимова Т.В. Өзбекстан Республикасындағы үзликсиз көркем-педагогикалық билимлендириў. /Т.В.Уразимова // «Илим ҳәм жәмийет». Әжинияз атындағы НМПИ илимий-методикалық журналы – Нөкис: 2019, № 3 98-99-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ҳозирги давр таълим мазмуни ва ролининг мақсадини акс эттиради, чунки ўқувчиларни ўзлуксиз ўкитишни фаоллаштириш масаласи ҳозирги замон педагогика илмининг ва иш тажрибасининг энг муҳим масалалари қаторига киради. Укитишни ташабускорлик асосида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, чунки ўкитиш ва ривожлантириш харакатчанлик сифатига эга ва ўқитувчилар укитишининг сифатига боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, ушбу сифатларнинг ривожлантирилиши ахлоқий, экологик, ватанпарварлик ва тарбиянинг бошқада ажралиб турадиган турларининг мустаҳкам асосини яратади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена современному содержанию и роли образовательного процесса. В современном обществе возросло внимание к проблеме непрерывного художественного образования. Не последнюю роль здесь играет эстетическое воспитание, способствующее активизации развития мировоззрения, интеллектуальных и творческих потенций личности. Поэтому процесс образования необходимо основывать на создании условий для воспитания творческой личности, готовой к диалогу, сотрудничеству и сотворчеству в различных сферах жизни.

SUMMARY

The article is devoted to the modern content and role of the educational process. Today attention increased in modern society to problem of the continous artistic formation. Not the last role is played here by aesthetic education, contributing to enhance the development of philosophy, intellectual and creative potential of the individual. Therefore, the process of education should be based on creating conditions for education of creative personality, ready for a dialogue, collaboration and co-creation in various spheres of life.

АХБОРОТ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОН ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Д.Р.Юнусов – *катта ўқитувчи*

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ислоҳот, ахборот, телекоммуникация, таълим, тарбия, шакллантириш, юксак маънавият, шахс, ахборот-таълим муҳити, интеграция.

Ключевые слова: реформа, информация, телекоммуникация, образование, воспитание, формирование, личность, информационно-образовательная среда, интеграция, высокая духовность.

Key words: reform, information, telekommunication, education, upbringing, formation, personality, information-educational environment, integration, high spirituality.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар инсон омилига қаратилганлиги сабабли ҳам таълим-тарбия жараёнида ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантириш масаласи биринчи ўринга чиққан ва у давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашда, узлуксиз таълим тизими ва унинг турларининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам биз ўз изланишларимиз жараёнларида педагогика олий таълим тизимида талабаларнинг маънавий камолотини таркиб топтириш жараёнларида педагогик ҳурфикрлилик кўникма ва малакаларини шакллантиришда қуйидаги ишларни амалга ошириб бордик.

Таълим ва тарбиянинг уйғунлигини эътироф этган ҳолда уни замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида тўлдириш муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда талабаларга яна бир бор бу борада маълумотлар бериб ўтилди. Жумладан:

Ахборот - агарда тайёрланган маълумотлардан бирор нарса (жараён, ҳодиса) тўғрисида аниқликни ошириш мақсадида фойдаланилса, у ҳолда фойдаланган маълумотларга ахборот деб аталади.

Ахборот – истеъмол учун тайёрланган теварак-атроф (манбалар) -дан олинган маълумотлар ахборот деб аталади.

Ахборот воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги истеъмолдаги маълумотларни беради. Ҳодиса ва воқеалар мазмунмоҳиятини очиб беради.

Педагогика фани талқинидаги маълумотлар бериш номидаги бўлимда ва таълим-тарбия жараёнидаги барча маълумотларни тўплаб, уларни ўрганилаётган манбага мос тизимларга ажратиб, истеъмолга тайёрлаб беради ва тайёрланган ахборот орқали педагогик фаолият олиб борилади. Ахборот термини кишилик жамиятининг барча жабҳаларида қўлланилади ва улар асосида таълим-тарбия жараёни олиб борилади ҳамда педагогик фаолият бошқарилади.

XXI аср – ахборотлаштирилган жамият сари асрида ахборотнинг роли ва ўрни кундан-кунга ўсиб бораверади ҳамда ахборот саноати вужудга келади.

Ахборот – (лотинча “informatio” сўзидан келиб чиққан) – бу бирор-бир далил, воқеа-ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради. Кенг маънодаги **ахборот** моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган жараёнларни билдиради. Ахборотни ўрганишда – унинг яратилиши, ўзгартирилиши, фойдаланиш қонунлари ҳисобга олинади [1].

Ахборотлаштириш ахборот жараёнларини ривожлантириш восита ва шароитларининг бутун мажмуи бўлиб, тегишли техник, баъзани яратиш,

ташкилий – иқтисодий, маданий маърифий, ислоҳотлар қилишни ўз ичига олувчи жараён, у таълимни технологиялаштиришга кенг имкониятлар яратади.

Ахборотлар таълим-тарбия жараёнларини бошқаришда асосий манба бўлиб ҳисобланади, чунки улар объектдан олинган ахборотларни тизимларга (қисм тизимларга) ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича узатиш алгоритмларини амалда жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Инсониятнинг ахборот ишлаб чиқариш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар, ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал салоҳияти сифатини ҳам белгилайди ва бундай жараёнлар ахборотлаштириш саноатини мунтазам ривожланишини таъминлайди.

Ахборотлардан самарали фойдаланиш асосида фаолият кўрсатиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишнинг оптимал йўлларини таъминлаб беради: манба ва унда кечадиган жараён тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш; жараёнлар кечиши ҳақидаги даврий маълумотларни мунтазам олиб туриш ва улар асосида оралиқ назоратлар олиб бориш; ихтиёрий жорий сўровларга ўша пайтнинг ўзида жавоб олиш, расмийлаштириш ва бошқаришига керакли тузатишлар кирита олиш ва шу кабилар.

Ахборотлаштириш соҳасидаги туб бурилишларнинг ниҳоятда аҳамиятлиси, яъни ҳақиқий инқилобий тусдаги ахборотлаштириш, бу ЭҲМ лар базасидаги фан ва техника инқилобини ўз ичига олади.

Ахборот-таълим муҳити (АТМ) - бу ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи) ва янги ахборот технологиялари воситалари (ЯАТВ) ўртасидаги ўқув ахборотли ҳатти-харакатлар жараёни пайдо бўлиши, ривожланишига имкон берувчи шарт-шароитлар мажмуаси ҳамда муайян ўқув курси бўйича предметли мазмуни муҳити компонентлари (компьютерга улашувчи турли хил ўқув, намойиш қилувчи жиҳозлар, дастурий воситалар ва тизимлар, ўқув кўргазмали ва бошқалар) жамланган шароитда ўрганувчининг (ўргатувчининг ҳам) фаол билиш фаолиятини шакллантириш жараёнидир.

Ахборот таълим мухитининг мақсади: шахснинг ижодий ташаббускорлик қобилияти ва потенциалини ривожлантириш асосида таълим олувчиларга билимларни мустақил эгаллаш ва уларни сифатли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш, ҳамда ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлаш [1]. Шу билан бир қаторда таълим – тарбия интеграциясини такомиллаштириш мақсадида интегратив ёндошув масаласига ижодий ёндошилди. «Интерграция» сўзи лотинча **integratio** – тиклаш, тўлдириш, **«integer»** - бутун сўзидан келиб чиққан. Бу борада икки тушунчага эгамиз:

1. Тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазифаларнинг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб борувчи жараён.
2. Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни яқинлаштириш жараёни.

Таълим мазмунини интеграциялаш - дунё анъанаси (ғоя, фикр, интилиш). Интегратив ёндашиш турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради (табиат - жамият - инсон). Интеграция илгари бўлинган қисмларни бир бутунга бирлаштириш билан боғлиқ. У тизим элементларининг яхлитлик ва уюшқоқлик даражасининг оширишга олиб келади.

Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларнинг ишлаши ва ўрганиш объектининг яхлитлиги тартибга солинади [2].

Ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришда таълим ва тарбия мазмунини боитишда интегратив ёндошувнинг ўрни беқиёсдир.

Шунинг учун ҳам биз бу тизимга алохида урғу бериб, ундан самарали фойдаланиш зарур деган хулосага келдик.

Бу тизим орқали қандай қилиб бўлажак ўқитувчиларни юксак маънавиятли педагогик ҳурфикрликка эга бўлган шахс сифатида шакллантириш мумкин? Замонавий дидактика ва методикада ёшларни билимли, ривожланган ва тарбиясининг юқори бўлишини таъминлашнинг асосий шарти фанлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлиқдир деган фикр доимий равишда олға сурилиб келмоқда.

Педагогика олий таълими талабаларини табиат ёки предмет ҳақидаги энг оддий билимларни ҳосил қилувчи боғлиқликнинг энг соддаси маълум бир жой ёки тушунча билан чегараланган локал тасаввурни шакллантириш бу энг оддий ақлий фаолиятни таъминлашини талабаларга тушунтирган холда улар мактабгача ва бошланғич таълимда тахсил олаётган ўқувчиларга хослигини етказиш орқали улар билан ишлаш кўникма ва малакалари шакллантирилади. Бу тизим барча таълим турларини ўз ичига қамраб олиши мухим ахамит касб этади. Таълим - тарбия жараёнида амалга ошириладиган интегратив ёндошувлар борасидаги маълумотлар айнан педагогика олий таълим муассасаларида талабаларга тўлақонли етказилиши бугунги куннинг талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам биз ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлилигини шакллантиришда интеграция имкониятларидан қуйидаги тарзда фойдаланишни маъқул деб топдик. Мисол учун, аудиториядаги катта экранга ёки ахборот технологияларининг бирон бир воситаси ёрдамида талабаларнинг педагогик ҳурфикрлиликка оид маънавий дунёқарашини шакллантиришда бадиий асарларга муносабатини тубдан ўзгартириш кераклигини инобатга олиб Обиддин Махмуднинг «Ота нега фарзандига танбеҳ беради» китобидаги маълумотлар бирин кетин экранга чиқарилади ва бахс ташкиллаштирилади.

Шуларни эътиборга олган холда биз бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрликни шакллантириш учун бир қатор ишларни амалга оширдик. Жумладан:

- ахборот тўғрисида маълумотлар банки тўпланди;
- ахборот технологияларнинг ўзига хос жихатларини очиб берувчи маълумотлар талабаларга етказилди;
- таълим – трабия жараёнларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга оид тавсиялар берилди.
- Мавзуларга оид манбалар тўпланиб маълумотлар банки ташкил қилинди.
- Ахборот - таълим мухити яратилди
- Интеграция жараёнларига эътибор қаратилди.

Талабаларнинг фикрлари ўрганилади.

“Ҳаётда энг афсусли нарса нима?

Талабалар ўзларининг фикрларини бера бошлади. Ота - онани йўқотиш, яқинларидан ажраб қолиш, бахтсизлик ва шунга ўхшаш фикрлар. Сўнгра аниқ жавоб чиқади. Деди:-Топганини йўқотиш.

Дедим: - Улар нималар?

Талабалар яна ўзларининг фикрларини билдиришди. Сўнгра тўғри жавоб экранга чиқарилди. Деди:- Олинган билимни унутиш; қилган савоб ишларини миннат тоши ила «янчиб ташлаш»; машаккат ила эришилган меҳнатнинг маҳсулига эга бўлмаслик.

Дедим:- Хар бир фарзанд учун энг зарур бўлган тўрт

юмуш нимадан иборат? Талабалар яна мунозарага тортилади ва аниқ жавоб экранга чиқарилади. Деди: - Ёшликда мукаммал илм ўрганиш; эгаллаган ҳунари ила бошқаларга фойдаси тегиб, яхши ном қозониш; ота-она, эл хизматида бўлиш ва ҳамиша пок ният, гўзал хулк билан юриш.

Дедим:- Ота-она, элга хизмат килган фарзанд нима топади?

Деди:- Иззат-икром, қалб сокинлиги ва бениҳоя ажру савоб!

Дедим:- Қандай сабоқ шогирд онгидан мустаҳкам жой олади?

Деди:- Ишончли далил, ҳаётий мисол ва шахсий ибрат орқали берилган сабоқ.

Дедим:- Шогирд учун энг оғир, аммо шарафли нарса нима?

Деди:- Муносиблар ичида муносиб бўлиш .

Дедим:- Қай тоифа кишиларнинг ёши эътиборга олинмайди?

Деди: - Тўрт тоифа: устоз, ота-она, фозил киши ва раҳбарнинг".бундай насиҳатомуз манбалар орқали ёшларни комиллик сари йўналтириш ўзининг самарали кучига эга бўлади.

Талабаларни театрга олиб бориш орқали маънавий тарбия такомиллаштирилади. Ҳаётий воқеалар акс этган асарларни томоша қилиш, муносабатлар тизимини тахлил қилий, туйғуларни бошқариш санъати айнан театрда намоён бўлади. Театр томошасидан кейин талабалар билан билан асарнинг мазмун мохиятини тахлил қилиб, ижобий ва салбий образдаги қахрамонларнинг саъйи – ҳаракатларига муносабат билдиришлари сўралади. Бундай тизим орқали ўқитувчи шогирдларининг тарбияланганлик даражаларини тахлил қилиб боради. Жиззах вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов асари асосида саҳналаштирилган "Жаннатга йўл" спектаклини талабалар томоша қилишди. Бу спектаклнинг электрон варианти бориб кўришга улгурмаган талабаларга кўрсатилгандан кейин талабалар билан ижодий давра сухбати ташкиллаштирилди.

Бу ҳолатда интеграция бир предмет, тарбия тури, ҳар хил ижтимоий муносабатлар бўйича билимларни иккинчисига кўчириш ва фаолиятнинг алмашиниши эмас, балки замонавий интеграцияси йўналишларини акс эттирувчи янги дидактик эквивалент (мос бўлган, ўхшаш, кенг келадиган нарса) ларни яратиш жараёни амалга оширилди. Демак, биз юқоридаги фикрларга таянган холда, бўлажак ўқитувчиларни юксак маънавиятли, педагогик ҳурфикрлаш қобилиятига эга бўлган шахс сифатида шакллантиришда, таълим ва тарбия жараёнларида интегратив ёндошувни амалга ошириб борсак кўзланган мақсадга эришиб борамиз. Шунинг учун ҳам фанлар кесимида, тарбия турлари кесимида ахборот технологиялари ва телекоммуникацион воситалар имкониятларидан фойдаланиб маънавият, адабиёт, фалсафа, миллий ғояга оид билимларимизни бойитиб танланган касбга педагогик ҳурфикрлилик билан кириб бориш жуда катта имкониятлар эшигини очади десак хато қилмаган бўламиз.

Адабиётлар

1. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т.: «Fan va texnologiya», 2009.
2. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. –Тошкент: 2009.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола талабаларда ҳурфикрлиликни ривожлантиришда ахборот ва телекоммуникация воситаларидан унумли фойдаланиш, ахборотлаштириш, фан ва техника соҳасидаги туб бурилишларнинг аҳамияти, таълим ва тарбия жараёнларида интегратив ёндашувни амалга ошириб бориш масалаларини ўз ичига олади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы использования информации и телекоммуникаций, важности радикальных изменений в науке и технике и реализации интегративного подхода к образованию и воспитанию в развитии свободомыслия студентов.

SUMMARY

In the article the author discusses the use of information and telecommunications, the importance of radical changes in science and technology and the implementation of an integrative approach to the education and upbringing of students' free thinking.

АКАДЕМИЯЛЫҚ ЛИЦЕЙЛЕРДЕ Т.ҚАБУЛОВТЫҢ ӨМИРИ ҲӘМ ЛИРИКАСЫН ҮЙРЕНИЎ

Қ.А.Юсупов –*филология илимлериниң кандидаты, доцент*

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: дарс жараёни, адабиёт, адабиётшунос, поэзия, поэма, образ, ижоди, стиль, метод, жанр, тил, ўқитиш.

Ключевые слова: процесс урока, литература, литературовед, образ, творчество, стиль, метод, жанры, язык, обучение.

Key words: the process of the lesson, literature, specialist in literature, character, creative work, style, method, writing, genres, language, training.

Академиялық лицейлерде қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасында лирикалық шығармаларды оқытыў ең әхмийетли методикалық мәселелердиң бири. Бул методикалық мәселе бойынша елеге шекем жетерли методикалық пикирлер айтылмай киятыр. Әдебиятты оқытыў методикасы бойынша белгили методист алымлар Ахмедов С., Пахратдинов Ә., Пирназаров Ә., Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Ахмедов Қ., Йулдошев Қ., Тўхлиев Б. ҳәм т. б. методикалық мийнетлеринде пикирлер билдирилген [1]. Бирақ академиялық лицейлер ушын арналған әдебият бағдарламасында берилген лирикалық шығармаларды оқытыў ҳаққында пикирлер аз билдирилген. Усы көзқарастан қарақалпақ поэзиясы XX әсирдиң 60-90-жыллары тематикалық, жанрлық ҳәм көркемлик жақтан әдеўир раўажланыў бағдары, лирикалық шығармаларды таллаўдың әхмийети ҳаққында кең тоқтап өткенимиз мақсетке муўапық болады. Әсиресе, әдебият бағдарламасында берилген Ж.Аймурзаев, Т.Жумамуратов, Б.Қайыпназаров, И.Юсупов, Т.Мәтмуратов, Ш.Сейтов, У.Пиржанов, К.Рахманов, Т.Қабулов ҳәм тағы басқалардың лирикасын үйрениў ҳәм сабақ түрлери арқалы оқытыў арқалы оқыўшыларға шайырлар дөретиўшилигиниң өсип жетилисиўи, олардың дөретпелери арқалы сол дәўирдеги поэзияның раўажланыў бағдарын түсиндириў әдебиятшы муғаллимлерден методикалық шеберлик ҳәм жуўапкершилик талап етеди. Әдебият сабақларында шайырлардың лирикасының инсан өмирине руўхый жақтан тийгизген тәсирлерин, биринши гезекте поэтикалық шеберлигин түсиндириў зәрүр.

Академиялық лицейлерде қарақалпақ әдебиятын оқытыў барысында оқыўшыларға белгили шайыр Толыбай Қабуловтың лирикасын ҳәм көркемлик излениўшилигин түсиндириў керек. Сабақ барысында биринширден, шайырдың өмири ҳәм дөретиўшилигине қысқа таллаў жасап, оның мәдениятқа, көркем әдебиятқа, көркем өнерге болған дөретиўшилик қатнасларын түсиндириў, өзи сүўретлеп отырған турмыс ўақыяларын жаңаша идеялық ҳәм эстетикалық өлшем тийкарында дөреткенлигин мысаллар менен айтып өтиў лазым. Екиншиден, шайыр лирикасында дәўирге деген халықлық қуўанышты, тилек әрманларды идеялық